



Ўзбекистон – Туркманистон:

ДАВЛАТЛАРАРО МУЛОҚОТНИ МУСТАҲКАМЛАШ, ЎЗАРО МАНФААТЛИ
ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ – БОШ ВАЗИФА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркманистон Президенти Сердар Бердимухамедов 14 июль куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Бош вазири Абдулла Арипов ва бошқа расмийлар кутиб олди.

Самимий учрашувдан сунг биродар мамлакат делегацияси “Янги Ўзбекистон” боғига ташриф буюриб, у ерда Туркманистон Президенти Мустақиллик монументи пойга гул кўйди.

Сердар Бердимухамедов мажмуа меъморий ечимлари ҳамда композициясининг

мазмун-моҳияти ва хусусиятлари билан батафсил танишди.

Таъкидлаш жоиз, Ўзбекистонга ташриф буюраётган олий мартабали меҳмонларнинг ушбу мухташам мажмуа билан танишуви анъанага айланган.

Ўзбекистон чуқур умумий тарихий илдилар ва ягона дин, тил, маданият, миллий анъана ва урф-одатлар ўхшашлигига асосланган

муносабат ила боғланган Туркманистон билан ҳамкорликни кенгайтиришга устувор аҳамият қаратмоқда.

Асрлар мобайнида тинч, ўзаро келишиб, бир-бирини қўллаб-қувватлаб яшаб келаётган икки қардош халқ ўртасидаги муносабат кейинги йиллари янада мустаҳкамланди. Бугун ишонч билан айтиш мумкинки, давлатларимиз ўртасидаги кўп қиррали шериклик теран, кўп

асрлик қалин дўстлик, ўзаро ҳурмат ва яхши кўшничилик тамойили асосида муваффақиятли ривожланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Кўксарой қароргоҳида Туркманистон Президенти Сердар Бердимухамедовни кутиб олди.

Олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Шавкат Мирзиёев ва Сердар Бердимухамедов махсус шоҳсулага кўтарилдилар. Икки давлат мадҳиялари янгради.

Фажрий қоровул бўлинмаси бошлиғи рапорт бергач, давлат раҳбарлари қоровул сафи олди-дан ўтиб, ўзбек ҳарбий хизматчиларини қўтладилар ва Ўзбекистон Республикаси давлат байроғига эҳтиром кўрсатдилар.

Сунг Президентлар расмий делегациялар аъзоларини бир-бирига таништирди.

Расмий кутиб олиш маросимидан сунг Шавкат Мирзиёев ва Сердар Бердимухамедов тор доирада учрашув ўтказди.

Давлатимиз раҳбари олий мартабали меҳмонни самимий қўтлар экан, ушбу учрашув Ўзбекистон — Туркманистон стратегик шериклик муносабатлари тарихида янги саҳифа очишига ишонч билдирди.

— Улар замирида азалдан мустаҳкам дўстлик, яхши кўшничилик, ишонч ва ўзаро қўллаб-қувватлаш риштлари ётади, — деди Ўзбекистон Президенти.

Ўзбекистон етакчиси Туркманистон Президентини жорий йил март ойида ўтган Президент сайловидаги ғалабаси билан яна бир бор табриклади.

— Донишманд туркман халқи мамлакатдаги кенг қўламли ислохотлар давом эттирилишини тўлиқ қўллаб-қувватлаб, сизга ўз келажигини ишониб топширди. Сизнинг билим ва тажрибангиз, куч-гайратингиз ва етакчилик қобилиятингиз кўзланган барча режаларни рўёбга чиқаришга хизмат қилишига шубҳа йўқ, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шунингдек, Ўзбекистон Президенти Туркманистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедовнинг Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги муносабатларда юксак даражага эришишга ва Марказий Осиё минтақасида яхши кўшничиликни мустаҳкамлашга қўшган беқиёс ҳиссасини қайд этди.

Давлатимиз раҳбари кейинги йилларда биргаликдаги саъй-ҳаракатлар тўғрисида

томонлама ҳамкорликнинг барча йўналишларида ижобий суръатга эришилганини мамнуният билан таъкидлади.

— Шунинг қайд этмоқчиманки, биз учун Туркманистон — минтақадаги ишончли ва муҳим ҳамкор. Бизнинг кенг қўламли ҳамкорликни янада ривожлантириш борасидаги интилимиз қатъий, энг яқин кўшимиз билан стратегик шериклик муносабатларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ниятидамыз, — деди Президентимиз.

Туркманистон Президенти меҳмондўстлик ва самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Туркманистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раисининг саломини етказди.

— Сиз Гурбангули Мянлигулиев билан биргаликда икки томонлама муносабатларнинг пойдеворини қурдингиз ва мустаҳкамладингиз, ҳамкорликнинг пухта сиёсий ва ҳуқуқий асосини яратдингиз. Бу галги давлат ташрифимиз стратегик шерикликка янги суръат бағишлашга қаратилган ва мен қўйилган мақсадларга эришимизга ишонаман, — деди Сердар Бердимухамедов.

Учрашув чоғида давлат раҳбарлари Ўзбекистон — Туркманистон ҳамкорлигининг истиқболларини муҳокама қилдилар, алоҳида эътиборни савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, ўзаро савдонини кўлайитириш, саноат кооперацияси лойиҳаларини амалга ошириш, транспорт-транзит имкониятларидан фойдаланишга қаратдилар.

Томонлар худудлараро ҳамкорликни йўлга қўйишда улкан салоҳият мавжудлигини қайд этдилар.

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Марказий Осиёда қарор толган ишонч, яхши кўшничилик ва шериклик муҳитини мустаҳкамлаш муҳим экани таъкидланди.

Сердар Бердимухамедов Ўзбекистон Президентини ўзига қўлай вақтда Туркманистонга жавоб ташрифи билан келишга таклиф этди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркманистон Президенти Сердар Бердимухамедовнинг музокаралари икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида кенгайтирилган таркибда давом этди.

▶ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

Қонунчилик палатаси ва Сенатининг

Қ Ҷ Ш М А Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2022 ЙИЛ
2 ИЮЛДАГИ “ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИДА
ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ ЖОРИЙ
ЭТИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ПФ-164-СОН
ФАРМОНИГА ЎЗГАРТИШ КИРИТИШ
ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИНИ
ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 78-моддаси биринчи қисмининг 19-бандига ва “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати

ҚАРОР ҚИЛАДИЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 13 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 июлдаги “Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-164-сон Фармониغا ўзгартиш киритиш тўғрисида”ги ПФ-169-сонли Фармони тасдиқлансин.
2. Ушбу Қўшма қарор дарҳол Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилсин.
3. Ушбу Қўшма қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
Спикерининг ўринбосари
У. ИНОЯТОВ

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Сенатининг Раиси
Т. НОРБОВЕВА

Тошкент шаҳри,
2022 йил 14 июль

ОБОД МАНЗИЛЛАР

Бугун мамлакатимизда янгиланишлар нафаси кириб бормаган бирор соҳа ёки тармок, шаҳару туман, қишлоқ қолмади ҳисоб. Юртимиз тамоман янгица қиёфа касб этмоқда. Бу зинҳор муболага эмас. Албатта, олдинда қилинадиган ишлар кўп. Шунинг учун “Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари” тамойили асосида амалга ошириладиган ислохотлар тобора кучайиб бормоқда.

ШАҲАРУ ҚИШЛОҚЛАР,
ОЛИС ОВУЛЛАР ЧИРОЙ ОЧЯПТИ,
САНОАТ РИВОЖЛАНЯПТИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ЙЎЛИДАГИ ИСЛОХОТЛАР АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ
ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

“Инсон қадри учун”
тамойили амалда

Ислохотлар самарасини биргина Қорақалпоғистон мисолида ҳам кўриш мумкин. Худуддаги янгилаш ва ўзгаришлар аҳоли турмуш даражасини юксалтирмоқда. Қорақалпоғистоннинг ялли худудий маҳсулоти 2017–2021

йилларда 26,3 триллион сўмга ўсди. Бошқача айтганда, бу 32 фоиз ўсиш демак. Шунингдек, мазкур даврда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг сони 19 минг 200 тадан 27 минг 400 тага етди. Бу, аввало, халқимизнинг меҳнат-севарлиги ва ислохотлар самарадорлиги натижасидир.

▶ Давоми 4-бетда



ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

САВДО КАРВОНИНИНГ
ИККИ ТОМОНИ

бири ўзбек, бири туркман



Қардош туркманистонликларни юртдошларимиз ҳамиша очик юз, дўстона ҳурмат, самимийлик билан кутиб олади. Қўшни мамлакат вакиллари шу ҳафта мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди. Уларнинг юртимизга бу галги ташрифи ҳам яхши ният, эзгу мақсадларга йўғрилган. Ўзаро ҳамкорлик муносабатлари йил сайин ривожланиб бораётган икки мамлакат барча соҳаларда манфаатли битимлар қўламини янада кенгайтириш ниятида. Шу мақсадда ўтказилаётган йирик тадбирларнинг бири — Ўзбекистон-Туркманистон худудлараро форуми 13 июль куни Бухоро шаҳрида бўлиб ўтди.

▶ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон – Туркменистон:

ДАВЛАТЛАРАРО МУЛОҚОТНИ МУСТАҲКАМЛАШ, ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ — БОШ ВАЗИФА

Бошланиши 1-бетда

— Туркменистон Президентининг давлат ташрифини халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва яхши кўшничлик ришталари бузилмас, икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлашга интилиш бардавом эканлигининг ёрқин тасдиғи сифатида қабул қиламиз, — деди мамлакатимиз етакчиси.

Туркменистон билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг шубҳасиз устувор йўналиши экани қайд этилди.

— Ишончим комил, бугунги музокаралар кенг кўламли ҳамкорликни янада ривожлантиришда муҳим ўрин тутаяди, биродар мамлакатларимизнинг стратегик шериклигини янада мустаҳкамлаш ва сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқади, — деди Ўзбекистон Президенти.

Мамлакатларимиз савдодаги ижобий суръатни сақлаб қолиш ва унинг ҳажмини яқин йилларда икки баробар ошириш учун барча имкониятларга эга экани мамнуният билан қайд этилди.

Бунга Ўзбекистон — Туркменистон чегараолди савдо ҳудуди ва пойтахтларимизда савдо уйлари очилган бўлиши ҳамда қўл қилинган қарорлар ҳизмат қилади.

Томонлар кимё тармоғидаги алоқалар стратегик шериклик даражасига кўтарилганини юксак баҳоладилар. Автомобилсозлик, электротехника, тўқимачилик ва фармацевтика, озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалигида кооперацияни кенгайтириш режалаштирилган.

Шу мақсадда ўрта муддатли Савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва саноат кооперациясини ривожлантириш дастури қабул қилинади. Бундан ташқари, энг истиқболли лойиҳаларни илгари суриш учун қўшма лойиҳа офиси ташкил этилади.

Транспорт соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Ўтган йилда юк ташишлар ҳажми 17 фоизга ортиб, бу тенденция жорий йилда ҳам сақланиб қолмоқда. Томонлар

минтақа мамлакатларининг ноёб транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш, шу жумладан, юкларни ташвиш учун ўзаро имтиёз ва чегирмалар беришдан манфаатдор эканликларини билдирдилар.

Давлат раҳбарлари сув-энергетика соҳасидаги ҳамкорликка тўхталар эканлар, Сув ҳўжалиги масалалари бўйича ҳукуматларо комиссия муваффақиятли ишлаётганини таъкидладилар. Президентимиз бугун минтақа сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга хизмат қиладиган тарихий аҳамиятга эга Амударё бўйича битим имзоланишини мамнуният билан қайд этди.

Шунингдек, Ўзбекистон энергетика соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, шу жумладан, Туркменистондан электр энергияси, газ ва нефть маҳсулотларини харид қилишдан манфаатдор.

Туркменистон томони товар айирбошлашни диверсификация қилиш ва ошириш, саноат кооперациясини ривожлантиришдан манфаатдорлигини билдирди.

— Мамлакатларимиз улкан салоҳиятга эга муайян тармоқлар орасида биз аграр саноат мажмуи, энергетика, кимё ва нефть-кимё, машинасозлик, тўқимачилик ва фармацевтика кимё этмоқчимиз. Бизнес доиралари ўртасидаги шерикликни кенгайтириш учун жиддий имкониятлар бор. Кейинги йилларда чегарадош ҳудудлар ўртасидаги алоқалар фаоллашади. Ўзбекистон билан ҳамкорликни давом эттириш ва кенгайтириш ниятида, — деди Туркменистон Президенти.

Музокаралар якунида давлат раҳбарлари икки мамлакат ҳукуматларига эришилган келишувларнинг сўзсиз ижросини таъминлаш ва уларнинг амалга оширилиши юзасидан ҳар ой ахборот бериб боришни топширдилар.

Олий даражадаги музокаралар якунида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди.

Шавкат Мирзиёев ва Сердар Бердимухамедов Қўшма баёнот

имзоладилар. Унда эришилган асосий келишувлар мустаҳкамлаб қўйилган ҳамда икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва стратегик шерикликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш бўйича узоқ муддатли вазифалар белгиланган.

Давлат раҳбарлари ҳузурида икки мамлакат вазирлик ва идоралари раҳбарлари томонидан битимлар имзоланди. Жами 19 та ҳужжатга имзо чекилди, шулар жумласидан:

— Транспорт-транзит соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида битим;

— Туризм соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Амударё сув ресурсларини бошқариш, муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш тўғрисида битим;

— Ташаббусли илмий-тадқиқот лойиҳаларининг қўшма танловини ўтказиш тўғрисида битим;

— 2022-2025 йилларга мўлжалланган савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва саноат кооперациясини ривожлантириш дастури;

— 2022-2024 йилларга мўлжалланган илмий-техник ҳамкорлик тўғрисида дастур;

— 2023-2024 йилларга мўлжалланган ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик дастури;

— Ўзбекистон — Туркменистон чегараолди савдо зонаси — Савдо марказини ташкил этиш ва фаолиятини тартибга солиш тўғрисидаги Ҳукуматларо битим қўйдаларининг амалий ижросини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режаси.

Шунингдек, кимё тармоғи, божхона, темир йўллар, музейлар, адлия, ёшларга доир сиёсат, телерадиоэшиштириш ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик юзасидан қатор ҳужжатлар имзоланди.

Ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги ҳамкорликнинг қатор истиқболли йўналишларида амалий шерикликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов бўлиб ўтган музокаралар тўғрисидаги фикрлари билан бўлишдилар.

Ўзбекистон етакчиси Туркменистон Президентининг ташрифини халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, яхши кўшничлик, ишонч ва ўзаро қўллаб-қувватлашга асосланган биродарлик ришталари тарихида янги саҳифа очишга қаратилганини таъкидлади.

— Бугун биз Сердар Гурбангулиев билан мазмунли, оқибат бағатли музокаралар ўтказдик, улар, шубҳасиз, ҳамкорлигимизни янги, янада юқори даражага олиб чиқади, — деди Президентимиз.

— Биз икки томонлама кўп тартибдаги барча долзарб масалаларни батафсил муҳофаза қилдик. Ҳамкорликнинг бугунги ҳолати юзасидан фикр алмашдик, бу борада катта ютуққа эришилганини қайд этдик. Сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт, сув-энергетика ва гуманитар йўналишларда биргаликдаги ишмизнинг устувор жиҳатларини белгилдик олдик.

Қатор истиқболли йўналишлар бўйича, саноат кооперацияси лойиҳаларини амалга ошириш, товар айирбошлашни кўлайитириш, чегараолди савдо зонасини ташкил этиш, қўшма лойиҳа офисини очиб юзасидан қабул қилинган қарорлар музокараларнинг муҳим натижаси бўлди.

Автомобилсозлик, кимё, электротехника, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалигида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга келишиб олинди.

Шу мақсадда ўрта муддатли Савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва саноат кооперациясини ривожлантириш дастури қабул қилинди.

Ҳудудлар ўртасида тизимли мулоқотни ривожлантириш ҳам Ўзбекистон — Туркменистон шериклигига янги суръат бағишлади. Кучи кеча Бухорода

муваффақиятли ўтказилган биринчи Худудлар форуми ҳали ишга солинмаган улкан салоҳият мавжудлигини яққол кўрсатди. Унинг якунида умумий қиймати 450 миллион доллардан зиёд бўлган аниқ шартнома ва келишувлар имзоланди.

Парламентлар — Олий Мажлис ва Миллий Кенгаш ўртасидаги ҳамкорлик самарали кечяётгани мамнуният билан қайд этилди.

Ҳар доимгидек, маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш масалалари музокаралар диққат марказида бўлди. Илмий ва академик алмашинувларни ривожлантириш, инновациялар соҳасидаги дастурларни қўллаб-қувватлаш юзасидан келишувга эришилди.

Бундан буён ҳам Ўзбекистон ва Туркменистон маданияти ва кино кўнларини ўтказиб бориш, туризм соҳасидаги қўшма лойиҳаларни илгари суришга қарор қилинди.

Музокараларда минтақамизда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳофаза қилинди. Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашувларининг муҳим аҳамияти қайд этилди.

— Марказий Осиёда минтақавий жараёнлар ва кўп томонлама ҳамкорликнинг мустаҳкамлаши минтақадagi барча мамлакатларнинг тарақиёти ва раванкига хизмат қилишига қатъий ишонаман, — деди Ўзбекистон Президенти.

Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашилди. Давлат раҳбарлари ушбу мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тикланиши мақсадида бундан буён ҳам биргаликда ҳаракат қилишга тайёрлигини билдирдилар.

БМТ, МДҲ, ИХТ, Туркий давлатлар ташкилоти ва бошқа тузилмалар доирасида фаол мулоқотлар ва ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти Туркменистон томонига Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш тўғрисида БМТ Бош Ассамблея-

сининг махсус резолюциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда кўрсатган фаол кўмаги учун миннатдорлик билдирди.

Давлатимиз раҳбари туркменистонлик ҳамкасбини Самарқандда ўтказилган ШХТнинг навбатдаги саммитида фахрий меҳмон сифатида иштирок этишга таклиф этди.

— Кўп қиррали Туркменистон — Ўзбекистон муносабатлари бугун жадал ривожланмоқда. Ўзбекистон бизнинг муҳим сиёсий ҳамкоримиздир. Бугун савдо-иқтисодий шериклик масалалари батафсил муҳофаза қилинди, уни кенгайтириш ва диверсификация қилишга иккала томон ҳам тайёр экани таъкидланди, — деди Сердар Бердимухамедов.

Яқунда давлат раҳбарлари кенг кўламли стратегик шерикликни ривожлантириш ва раванки йўлида аниқ жиҳатидан янги мазмун билан боитиш, биродар мамлакатларимиз ва халқларимиз тарақиёти ва раванки йўлида аниқ ва самарали натижаларга эришишга қатъий интилишларини таъкидладилар.

Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов мамлакатимизга давлат ташрифининг биринчи куни якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳузурида Кўксарой қароғоҳининг Фахрий меҳмонлар хиёбонига дарахт экди.

Ушбу эзгу анъана яқин йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик ва стратегик шерикликни кенгайтириш учун пойдевор бўладиган олий даражадаги музокараларнинг сермаҳсул натижаларини мустаҳкамлади.

Туркменистон раҳбари томонидан экилган дарахт халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва яхши кўшничлик ришталари бузилмас эканининг рамзларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовнинг мамлакатимизга давлат ташрифини давом этмоқда.

ЎЗА

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

САВДО ҚАРВОНИНИНГ ИККИ ТОМОНИ бири ўзбек, бири туркман

Бошланиши 1-бетда

Форумда Туркменистоннинг Ўзбекистонга қўшни вилоятларидан ташриф буюрган 60 нафардан ортиқ ишбилармон доира вакили ҳамда юртимизнинг барча вилоятларидан 260 дан зиёд маҳаллий тадбиркор иштирок этди. Форум қатнашчилари инвестициявий, саноат ва савдо муносабатларини ривожлантириш учун қишлоқ хўжалиги, автомобилсозлик, кимё, тўқимачилик, чарм-пойабзал ва электротехника саноати каби энг истиқболли йўналишларга эътибор қаратди.

Туркменистон Ўзбекистоннинг муҳим савдо ҳамкорларидан биридир. Ўзаро савдо ҳажми охириги йилларда қарийб беш баробар ўсди. Биргина 2016 йилда давлатларимиз ўртасидаги савдо ҳажми 200 миллион доллардан зиёдни ташкил этган бўлса, 2021 йил якунига кўра, 902 миллион долларга етди. Юртимизда Туркменистон капитални иштирокидаги 17 дан ортиқ корхона фаолият юритяпти. Қўшни давлат ҳудудида Ўзбекистонга тегишли 61 та компания фаолиятини йўлга қўйган.

Акрам АЛИЕВ, Ўзбекистон Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги бошқарма бошлиғи:

— Ўзбекистон — Туркменистон ҳудудларо форуми ҳар икки мамлакат тадбиркорлари учун тенг манфаатли имкониятлар эшигини очади. Форум уларга янги шароитлар яратиб бериш, ишбилармонларнинг яқиндан танишиб, ҳамкорлик ўрнатилиши учун самарали платформа вазифасини ўтади. Учрашувларда Туркменистондан йирик тадбиркорлар гуруҳи ҳамда қўллаб маҳаллий корхоналаримиз вакиллари иштирок этгани бунинг яққол исботи.

Тадбиркор қанча кўп ишлаб чиқариш қуввати, етарли инвестицияга эга бўлмасин, ўз маҳсулотини чет давлатларга экспорт қилмасдан туриб, тўлақонли ривожлана олмайди. Яъни ишбилармон учун халқро ҳамкорлик доим муҳим. Бунинг ривожлантириш учун эса юқоридаги каби бизнес учрашувлар, чегараолди савдо зоналарини фойдаланишга топшириш, савдо уйлари очилган ҳамда юқори технологияли ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил қилишга қаратилган



Ҳамкорлик алоқалари мамлакатларнинг энг чекка ҳудудларига ҳам кириб бораётгани кувонари. Бухорода ташкил этилган Ўзбекистон — Туркменистон ҳудудларо форуми ана шу муносабатларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади. Бунинг таъбири давомида эришилган

янги келишувлар кўламида ҳам кўриши мумкин. Иштирокчилар "B2C" ва "B2B" форматда музокаралар ўтказиб, ҳамкорликнинг янги босқичини бошлашга катта қизиқиш билдирди. Натижада умумий қиймати 451 миллион долларлик инвестиция ва савдо битимлари имзоланди.

тиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Чунки ҳар бир ҳудуднинг муайян иқтисодий имкониятлари, ўзига хос ривожланиш нуқталари мавжуд. Улардан тўғри фойдаланиб, янги гоҳларни биргаликда татбиқ қилиш, бизнес лойиҳалар ишлаб чиқиш қутилган натижаларни беради. Шу мақсадда икки томондан доимий ишчи гуруҳлар ташкил этишга келишиб олинди. Мазкур ишчи гуруҳлар фаолияти ҳудудлар ўртасида ҳамкорликнинг янги йўналишларини аниқлаш, истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш, уларни ҳаётга жорий этиш билан боғлиқ барча масалаларни ҳал қилиш каби вазифаларга йўналтирилди.

Қолаверса, икки мамлакат Савдо-саноат палаталари томонидан тадбиркорлар ўртасида саноат кооперациясини ташкил қилиш бўйича аниқ таклифлар тақдим этилди. Мазкур саноат кооперациялари ўзаро олди-сотди, импорт-экспорт, савдо алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилади. Янги қўшма корхоналар ташкил этиб, ҳар икки давлат учун харидоригр тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга замин яратяпти.

Ботир ЗАРИПОВ, Бухоро вилояти ҳоқими:

— Туркменистон Бухоро вилояти билан ташқи савдо айланмасида юқори улушга эга бўлган 5 та давлатдан бири. Сўнги беш йилда туркменистонлик ҳамкорларимиз билан ташқи савдо айланмаси ҳажми 3 баробар ошди ва бу ўсишда давом этяпти. Биргина жорий йилнинг ўзида бу борадаги кўрсаткич сезиларли юқорилаб бораётганини кўришимиз мумкин. Рақамлар вилоятимиз ва Туркменистон ўртасидаги ўзаро ташқи савдо айланмаси 89,5 миллион долларни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 302 фоиз ўсганини кўрсатмоқда. Жумладан, экспорт ҳажми 2,9 миллион, импорт 86,6 миллион долларга етган.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик узоқ кўшничлик, дўстлик ришталарига бориб тақалади. Ўзбек ва туркман халқлари азалдан бир дарёдан сув ичиб, тинч-тову, аҳил-иноқ яшаб келган. Бу яқинлик мамлакатларимиз ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорликка асос бўлмоқда. Айниқса, сўнги йилларда ҳар икки давлат ўртасидаги яқин кўшничлик,



ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлик алоқаларининг чўққиси бўлди, десак муболага бўлмайди. Ўтган йиллар давомида ўзаро ҳамкорликда эришилаётган натижалар бир қанча ҳуқуқий ҳужжатлар билан мустаҳкамлаб қўйилган. Айниқса, Бухоро ва Лебап вилоятлари ўртасидаги иқтисодий-маданий ҳамкорлик алоқалари тобора ривожланиб борапти. Олот тумани билан Лебап вилоятининг Фарап туманидаги чегарадош ҳудудда икки мамлакат ўртасида товар айланмасини кўпайитириш, ўзаро

Парвез ГУЛИЕВ, туркменистонлик тадбиркор:

— 2017 йилдан буён Ўзбекистоннинг савдо шеригимиз. Мамлакат бозорига кириб келган илк даврлар билан бугунги кунни солиштирсак, катта ўсиш кўзга ташланади. Айниқса, тўқимачилик соҳасида Ўзбекистоннинг имкониятлари кенгайиб бормоқда. Бу ҳамкорлигимизни янада фаоллаштиради. Бугунга қадар "Сарофроз" тўқимачилик компанияси билан ишлаб келямиз. Асосан, ип маҳсулотлар етказиб берамиз. Корхонамиз Туркменистоннинг Лебап вилоятида жойлашган. Форумда қатнашимиз давомида Бухоро вилоятининг инвестицион салоҳияти билан танишдик, янги ҳамкорлар топдик. Бизнес учрашувлар давомида



полипропилен ип экспорти бўйича 400 минг долларлик шартнома имзолашга ҳам эришдик. Умуман, ҳудудларо мулоқот жуда самарали, деб ўйлайман. Бундай тадбирлар Ўзбекистон билан

ҳамкорлигимизни кенгайтиришга хизмат қилади. Ҳар икки давлат ишбилармонлари ишлаб чиқаришда юқори имкониятларга эга. Бизда ишлаб чиқариладиган турли маҳсулотларга Европа давлатларида қизиқиш катта. Бу имкониятдан биргаликда умумий фойдаланишимиз керак. Келгусида савдо тадбирларини фаоллаштириб, ярмаркалар, савдо уйлари очилса, халқларимиз бир-бирига янада яқинлашади.

Биз юртингиз тадбиркорлари билан Бухорода учрашганимиздан мамнун бўлдик. Навбатдаги анжуманни Туркманобода ташкил этиб, у ерда ўзбекистонлик ҳамкорларимизни кўришдан мамнун бўламиз.

"Янги Ўзбекистон" мухбири Ирода ТОШМАТОВА эзиб олди.

КОНСТИТУЦИЯНИ РЕАЛ ВОҚЕЛИККА МОСЛАШТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ



Омонулла МУХАММАДЖОНОВ, юридик фанлар доктори

Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида Конституциямизга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилаётгани муносабати билан инсон кадр-қимматини янада юксалтирадиган устувор жараён муҳокамаси айна қизғин паллага кирган. Зеро, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида илгари сурилатган кенг қўламли вазибалар, хусусан, адолатли ва халқларвар давлат барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, кадр-қимматини самарали таъминлаш каби мақсадлар сари интилишда зарур конституциявий асосни янада мустаҳкамлаш давр талаби ҳисобланади.

Президентимиз жорий йил 20 июнда Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувида янги Ўзбекистон учун инсон қадр ва халқ манфаати ҳамма нарсадан устун, деган тамойилни илгари сурган эди. Инчунин, конституциявий ислохотлар бир-бирига узвий боғлиқ тўртта йўналиш, жумладан, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, кадр-қимматини улуғлаш, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатларини, “Ўзбекистон — ижтимоий давлат” деган ғояни мустаҳкамлаш, эркин ва адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантириш, Ўзбекистонда инсонларвар, демократик ҳуқуқий давлат қуриш масалаларини қамраб олган.

Янгилаётган Конституция ўзининг туб моҳияти, ғоясига кўра, янги мазмундаги ҳужжатдир. Конституция халқимизнинг мустақкам тамойилларга асосланган барча жиҳатларини ўзида акс эттирган. Жумладан, хотин-қизларга самимий ҳурмат, етимларга мурувват, меҳр-шафқатлилик, оила мустаҳкамлиги учун ғамхўрлик, фарзандлар камоли, соғлом ҳамда баркамол авлодни тарбиялаш ва бошқалар халқимиз саховатини, улғувор салоҳиятли табиятини намоён этувчи фазилатлар эмасми?!

Янгилаётган Конституциямиз мамлакатда барча фуқаролар тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлибгина қолмай, ўз ҳудудида ва унинг ташқарисида ҳам ҳуқуқий ҳимояда эканини таъминлайди. Шунингдек, Ўзбекистон фуқароларининг мамлакат ичидан эркин ҳаракатлини, истаган жойга кўчириб яшаш ҳуқуқини, хорижда яшаётган фуқаролар ва ватандошлар билан алоқалар ривожланишини ҳам кафолатлайди.

Конституция лойиҳасида ҳар кимнинг эркинлик ҳамда шахсий дахлсизлик ҳуқуқига оид қоидалар янада кенгайтирилмоқда. Унга кўра, ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоққа сақланишига йўл қўйилмайди. Жиноятда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда кўриб чиқилмагунча ноқонуний ушлаб турилиши, унга нисбатан зўравонлик, шафқатсиз ёки кадр-қимматини камситувчи ҳаракатлар олиб бориш мумкин эмаслиги, ўлим жазоси таққиланишига оид қатор нормалар кўрсатилган.

Иқтисодий фаолиятнинг кўп қиррали шакллари ривожлантиришдан иборат конституциявий қарорлар тадбиркорликнинг самараси ва меҳнат эркин бўлишини таъминлаш мумкин бўлган бозор иқтисодиёти негизини ташкил этиши, мулкчилик шакллари хилма-хил бўлиши, улар тенг ҳуқуқли ҳимояга эгаллиги, ҳалол рақобат ва ижтимоий фойдали бўлишига доир қоидалар билан тўлдирилган.

Мамлакатимизда сўнгги йиллардаги изчил ислохотлар Конституцияни жамиятдаги бугунги реал воқееларга мослаштиришни ҳам тақозо этди. Кенг қўламли иқтисодий ислохотлар одамларнинг яшаш шароитлари ва турмуш тарзини қайта қуришга йўналтирилган бўлиб, аҳолининг кам таъминланган қатламларини манзилли қўллаб-қувватлаш асосида рўёбга чиқарилмоқда. Жумладан, жамиятнинг

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ



табақаланишига барҳам бериш ва одамлар ўртасида ижтимоий тенглик қарор топишига қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилди. Бу соҳадаги асосий вазибалар инсонларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, таълим олиш ҳуқуқини, муносиб меҳнат қилиш, турмуш тарзини оқилонга йўлга қўйиш, оилага, она ва болага, ёшлар, ногиронлар ва қарияларга кўмак бериш ҳамда пенсия ва нафақа кабиларни белгилаш конституциявий даражада мустаҳкамлашни назарда тутилган. Бу эса ҳозирги замон Ўзбекистон ижтимоий сиёсатининг асосини ташкил этади.

Халқимиз манфаатлари, истиқболли тараққиётимизга чет эл сармоясини жалб қилиш, фуқароларнинг тадбиркорлиги учун муҳим иқтисодий механизмлар яратилмоқда.

Конституциямиз такомиллашуви фуқаролик жамияти институтларини кучайтириш, давлат ҳокимияти органлари устидан жамият назоратини ўрнатиш шакллари ривожлантиришга қаратилган ҳуқуқий нормаларни қабул қилиш, шунингдек, турли даражадаги масъул шахсларнинг ижтимоий институтлар олдидаги масъулиятини мустаҳкамлашга ҳам боғлиқ.

Конституция сиёсий барқарорлик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимояланишни таъминлашнинг муҳим кафолатидир. Ўзбекистон Конституцияси ҳали қанчадан-қанча бунёдкорлик ҳаракатлари, эзгу мақсадларга йўналтирилган демократик ислохотлар ҳамда кучли фуқаролик жамияти қурилишининг ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилади.

БИР ҲУҚУҚБУЗАРЛИК УЧУН ИККИ МАРТА ЖАВОБГАРЛИК БЎЛМАЙДИ



Комил ҲАКИМОВ, Тошкент давлат юридик университети кафедра мудири, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент

Мамлакатимиздаги конституциявий ислохотлар, энг аввало, “Инсон қадр учун” тамойилни рўёбга чиқаришга қаратилган бўлиб, жамиятнинг турли қатламларига мансуб фуқароларнинг шахсий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва экологик ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини таъминлашга, ҳимоя қилишга қаратилган тўғридан-тўғри ишлайдиган нормаларга айланади.

Жумладан, Конституциямизнинг 26⁻моддасида “Ҳеч ким айна бир ҳуқуқбузарлик учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас”, деган нормани белгилаш тақлиф этилмоқда. Бир ҳуқуқбузарлик учун икки марта жавобгарликнинг ман этилиши, яъни “non bis in idem” принципи антик даврлардан буюн маълум. Қадимдан бир ҳуқуқбузарлик учун

Масалан, махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидалари бузилгани бўйича жарима солиш тўғрисидаги қарор ҳайдовчилар иштирокисиз чиқарилади. Кейинчалик қарор белгиланган тартибда ҳуқуқбузарга юборилади. Бугунги кунда ваколатли орган, яъни йўл ҳаракати хавфсизлиги инспектори томонидан, бундан ташқари, фуқаролар томонидан юборилган фото ёки видео орқали йўл ҳаракати қоидалари бузилгани қайд этилмоқда. Бундай ҳолатда бир ҳуқуқбузарлик учун икки ва ундан ортиқ маъмурий жазо чораси қўлланилиши эҳтимоли бор. Масалан, автомашинани таққиланган жойга қўйсангиз, кўп-лаб фуқаролар уни расмга олиб, ички ишлар органлари махсус хизматларига юбориши мумкин. Шундай ҳолатлар учраётгани ҳақида ҳам эшитмоқдамиз. Ўрни амалда сиз битта ҳуқуқбузарлик учун 2 ва ундан ҳам ортиқ жавобгарликка тортилишингиз мумкин бўлиб қолмоқда.

Мазкур ҳолатда ҳайдовчиларнинг ортиқча овозгарчилигига йўл қўйиб бўлмайди. Фуқаролар манфаати устунлигидан келиб чиқиб, ички ишлар органлари махсус хизматлари ҳуқуқбузарлик локацияси ва вақтини кўриб чиқиб, айна бир ҳуқуқбузарлик учун икки ва ундан ортиқ жарималарни бекор қилиши талаб этилади.

Яна бир мисол. Шахс, айна пайтда муайян ташкилот ходими жамоат тартибини бузгани учун маъмурий жавобгарликка тортилган. Лекин айна ўша шахс фаолият юритаётган ташкилот унинг хатти-ҳаракати ташкилот обрўсига путур етказгани учун интизомий жазо чораси қўллаш ҳолатлари ҳам қузатилади. Мазкур ҳолатда шахс айна бир ҳуқуқбузарлик учун икки марта жавобгарликка тортилмоқда.

Тақлиф этилаётган мазкур конституциявий норманинг аҳамиятига яна бир далил сифатида Жиноят кодексига “ҳеч ким айна битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин

“ЖИНОЯТ КОДЕКСИДА ЖИНОЯТ УЧУН ИККИ МАРТА ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИШ МУМКИН ЭМАСЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ УШБУ ҚОИДА ОДИЛЛИК ПРИНЦИПНИНГ МУҲИМ БЕЛГИСИ ҲИСОБЛАНАДИ. ЖИНОЯТ КОДЕКСИДА ОДИЛЛИК ПРИНЦИПИ ЖИНОЯТ СУБЪЕКТЛАРИ ТЕНГЛИГИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ФУҚАРОЛАРНИНГ ҚОНУН ОЛДИДА ТЕНГЛИГИ ПРИНЦИПНИ АМАЛГА ОШИРИШДА МАВЖУД БЎЛГАН БИР ҚАТОР РАСМИЯТЧИЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ. МАЗКУР ҚОИДА ЖИНОЙИ ЖАВОБГАРЛИКНИНГ ОДИЛОНА БЎЛИШИ ЛОЗИМЛИГИНИ БЕЛГИЛАЙДИ. БУ ЎРИНДА БИР ЖИНОЯТ УЧУН БИР МАРТА ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИШ МЕЗОН ҲИСОБЛАНАДИ ВА БИТТА ҚИЛМИШ УЧУН ҚАЙТА ЖИНОЙИ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛИШ МУМКИН ЭМАСЛИГИНИ АНГЛАТАДИ.

икки ва ундан ортиқ жавобгарликка тортилиш инсон манфаатларига зид экани хусусидаги ғоя юнон мутафаккирлари томонидан илгари сурилган. Мазкур принцип Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 14-моддасида ҳам қуйидагича мустаҳкамланган: “Ҳар бир мамлакатнинг қонуни ва жиноят-процессуал ҳуқуқига мувофиқ, жинояти учун узил-кесил судланган ёки оқланган бирор шахс ўша жинояти учун иккинчи бор судланиши ёки жазоланиши мумкин эмас”.

Ҳеч ким айна бир ҳуқуқбузарлик учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмаслиги бўйича ҳаётий мисолларни келтириб ўтсак. Кўпчиликка йўл ҳаракати хавфсизлиги оид ҳаётий мисоллар қизиқроқ бўлса керак.

эмас”лиги белгиланганини келтириш мумкин.

Жиноят кодексига жиноят учун икки марта жавобгарликка тортиш мумкин эмаслиги тўғрисидаги ушбу қоида одиллик принципининг муҳим белгиси ҳисобланади. Жиноят кодексига одиллик принципи жиноят субъектлари тенглигини белгиловчи фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципини амалга оширишда мавжуд бўлган бир қатор расмиятчиликларни бартараф этишга хизмат қилади. Мазкур қоида жиноий жавобгарликнинг одилонга бўлиши лозимлигини белгилайди. Бу ўринда бир жиноят учун бир марта жавобгарликка тортиш меzon ҳисобланади ва битта қилмиш учун қайта жиноий жавобгарликка тортилиш мумкин эмаслигини англаатади.

Яъни шунга ўхшаш норма Жиноят кодексига мавжуд, лекин Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда йўқ. Мазкур нормани Конституция даражасига олиб чиқиш шу конституциявий бўшлиқни тўлдирди. Тақлиф этилаётган норма Конституция нормаларининг тўғридан-тўғри қўлланилиши принципини асосида маъмурий ва жиноий жазо тайинлашда айна бир ҳуқуқбузарлик учун икки марта жавобгарликка тортилиши ман этиб, инсон ҳуқуқларининг конституциявий кафолатларини янада кучайтиради. Зеро, Конституциямиз инсон қадр ва манфаатларини таъминлашнинг пойдеворидир.

ҚЎШМА МАЖЛИС

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МАРОМИГА ЕТКАЗИЛМОҚДА



Жорий йил 14 июль кун Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмиталарининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Унда умумхалқ муҳокамасига қўйилган “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан келиб тушаётган тақлиф ва мулоҳазаларни лойиҳада акс эттириш масаласи муҳокама қилинди.

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Конституциявий комиссия аъзолари ҳудудларда бўлиб, қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш

да. Бутун халқимиз — хотин-қизлар, ёшлар, нурунийлар, ҳуқуқшунос ва сиёсатшунос олимлар, илм-фан намояндалари ушбу масалада ўз фикр ва қарашларини баён этмоқда. Шу билан бирга, конституциявий янгилашларни яқдиллик билан қўллаб-қувватлаб, ўзи, оиласи, маҳалласининг орзу-умидлари рўёбга чиқиши ва улар Асосий қонунимизда акс этиши учун фаоллик кўрсатишга интилмоқда. Билдирилаётган тақлиф ва мулоҳазаларнинг барчаси муҳим, барчаси аҳамиятли.

Конституциявий қонун лойиҳасида назарда тутилган ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгаллиги, ҳеч ким айна бир ҳуқуқбузарлик учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмаслиги, ҳар ким қонун билан муҳофаза қилинадиган мулкка, шу жумладан, интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуққа эгаллиги ҳақидаги янгиликлар фуқароларимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Мажлисида Конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан умумхалқ муҳокамаси мамлакатимизнинг барча ҳу-

дудларида қизғин ташкил этилгани, ҳудудларда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда конституциявий ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш ишлари олиб борилгани қайд этилди.

Ҳозирги кунга қадар қонун лойиҳасига аҳоли ва фуқаролик жамияти институтларидан жами 81 мингдан зиёд тақлиф келиб тушгани халқимизнинг мазкур сиёсий жараёнга нисбатан дахлдорлик ҳисси ошиб, ўз фикр-мулоҳазасини билдиришга қизиқиши тобора ортиб бораётгани ифодасидир.

Қайд этилганидек, халқимиз билдираётган тақлифлар масъул қўмиталар аъзолари, Конституциявий комиссия ҳузурида тузилган тақлифлар билан ишлаш ва йиғма ахборот таҳлил гуруҳлари томонидан ишчи тартибда мунтазам равишда кўриб чиқилиб таҳлил қилинмоқда. Утган даврда масъул қўмиталар ва Конституциявий комиссия томонидан умумхалқ муҳокамаси давомида келиб тушган тақлифларнинг ўринли, деб топишлари асосида Конституциявий қонун лойиҳаси маромига етказилди.

Мажлисида аҳолиимизнинг турли қатламларидан келиб тушган тақлифлар Конституциявий қонун лойиҳасида ўз ифодасини топаётгани, бу эса қонунларнинг асосий ижодкори халқимиз бўлиши керак, деган эзгу мақсадга эришишда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши таъкидланди.

Илғилиш якунида Конституциявий қонун лойиҳасини такомиллаштириш билан боғлиқ устувор вазибалар белгила олindi.

Баҳор ХИДИРОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

ОБОД МАНЗИЛЛАР

ШАҲАРУ ҚИШЛОҚЛАР, ОЛИС ОВУЛЛАР
ЧИРОЙ ОЧЯПТИ, САНОАТ РИВОЖЛАНЯПТИҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР
АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Кўнгиротбой ШАРИПОВ,
техника фанлари доктори,
профессор

Бошланиши 1-бетда

Шу ўрinda мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳақида икки оғиз тўхталиб ўтиш жоиз. Чунки халқ ўзи сайлаган давлат раҳбари билан фаровон ҳаётга қараб бормоқда. Буни эътироф этмасдан бўлмайди. Зеро, 2021 йил 24 октябрь халқимизнинг порлоқ келажаги ва янги Ўзбекистон тарақиёти учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга саналардан бири бўлиб қолди. Шу кун халқимиз “Инсон қадрини ўқин” тамойилига асосланган, энг истиқболли, халқчил, улкан бунёдкорлик ва демократик, интеграцион, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий дастур учун овоз берди. Бу кун ҳар биримизнинг тилимизда шукроналик, дилмизда миннатдорлик, шуғриимизда келажакка ишонч туйғуларини янада кучайтирди.

Негаки, Шавкат Мирзиёевнинг сайловидан дастурдан чиққан жойлар ва шаҳарларда арзон уй-жойлар қуриш буйича муҳим вазифалар ўрин олган эди. Бу борада долзарб қарорлар қабул қилганига ва кейинчалик унинг рўйбега гувоҳ бўляпмиз.

Президентимиз ҳудудларга ташрифи чоғида оддий одамлар билан учрашиб, муаммоларини шахсан ўрганди. Ойларга қариб, халқнинг турмуш тарзи, шароитлари билан яқиндан танишди. Сайловчилар билан учрашувларнинг бирида Бўзатов туманидаги “Ёшлик” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Жугунис Жуманазаров хонадонидан меҳмон бўлгани кечгадек ёдимизда. Давлатимиз раҳбари беш қизни намунали тарбиялаётган ўқувчиларнинг турмуш тарзи, улар тимсолида бутун бўзатовликларнинг яшаш шароитлари билан қизиққан эди.

“Бўзатовда азалдан миришкор одамлар яшайди, — деган эди Шавкат Мирзиёев ўша учрашувда. — Ери унумдор, шўри йўқ. Лекин узоқ йиллар бу имкониятлар таҳлил қилинган, бироз эътиборсиз қолганди. Бўзатов халқидан қарзимиз бор эди. Энг яқин марказ — КеҒейли тумани марказигача салкам 100 километр эди. Энди шу ернинг ўзида шароит яратиш, давлат хизматларини йўлга қўйиб, иш ўринларини ташкил этишга ҳаракат қиляпмиз. Тадбиркорларни ишонтириб, субсидия берсак, инфратузилмани яхшилаб, аҳолини кўчиб келишга жалб этсак, бу ҳудуд катта имкониятларга эга”.

Дарҳақиқат, Бўзатов тумани давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2019 йилда қайта ташкил этилди. Кейинги икки йилда бу ерда кўп қаватли уйлар, савдо мажмуалари, минг ўринли амфитеатр, спорт майдонлари, Ёшлар маркази қурилди, йўллар таъмирланди. Тўқимачилик корхонаси иш бошлади.



Қорақалпоғистонда ёшларнинг пухта билим олиши, спорт билан шуғулланиши учун шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, кейинги йилларда шаҳар ва туманларда 14 та янги мактаб, 4 та янги олий таълим муассасаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Келгуси беш йилликда ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 50 фоизга етказилиши режалаштирилган. Бунинг учун Қорақалпоғистонда мамлакатимиз ва хорижий олий таълим муассасаларининг 6 та филиали ташкил этилади.

Шулар қаторида ҳар бир шаҳар ва тумандаги Ёшлар маркази ҳамда умумтаълим мактабларида 100 мингдан зиёд ёш чет тиллар, IT технологияларга ўқитилади, қўшимча 6 минг ўринли янги ётоқхоналар қурилади.

Иқтисодий ислохотларнинг
ижтимоий самараси

Ўтган қисқа даврда қўрилган чора-тадбирлар халқимиз ҳаётини яхшилашга хизмат қилаётди. Чунинчи, инфратузилмани ривожлантириш иқтисодий юксалиш учун муҳимдир. Шу боис, ҳудудда 102 километрдан ортиқ газ қувури тортилди, 2 минг 200 километрдан ортиқ сув таъминоти тармоғи таъмирланди, 100 километрдан ортиқ автомобиль йўли фойдаланишга топширилди. Бу каби амалий ишлар янги ислохотлар даврида ҳудудда sanoatning жадал ривожланишига асосий туртки бўлган тўқимачилик, чарм-пойабзал, қурилиш материаллари, мебель маҳсулотлари ишлаб чиқариш 3 баробар ўсшига имкон яратди.

Қорақалпоғистондаги экологик вазиятдан келиб чиқадиган бўлса, бу ерда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларига нисбатан алоҳида эътибор зарур. Шу боис, аҳолини ҳар томонлама ижтимоий муҳофаза қилиш, муносиб турмуш шароити яратиш, уй-жой билан таъминлаш каби йўналишларга алоҳида устуворлик берилмоқда. “Темир дафтар”га киритилган 65 мингга яқин ҳамда 16 ёшгача болалиқдан ногирон аъзоси бўлган ҳамда боқувчисини йўқотган 17 минг оилага моддий ёрдам кўрсатилди. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлса, ўтган даврда 4 минг 390 минг квадрат метр уй-жой фонди фойдаланишга топширилди. Урта умумтаълим мактабларида сизим 38 мингдан ортиқ ўринга ва мактабгача таълим муассасаларида эса 15 минг ўринга оширилди. Шунингдек, тиббиёт муассасаларида жойлар 900 тадан ортиққа кўпайтирилди. Бу, ўз навбатида, 127 минг янги иш ўрни яратилишига имкон берди. Мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 2017 йилда 32 фоиздан 75 фоизга етди.

Мазкур даврда кичик бизнес субъектлари сони икки баробар кўпайди ва 21 мингга етди. Натيجида қўшимча 83 мингта янги доимий иш ўрни яратилди. Уртача иш ҳақи эса 2,8 баробар ошди, 2,7 миллион сўмга етди. 2020 йил якуни буйича Қорақалпоғистонда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи даромад 3 баробар ошди.

Қорақалпоғистонни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришга берилётган бундай алоҳида эътибор негизда чуқур маъно бор. Бу ҳаракатлар қорақалпоқ халқининг янги уйғониш даври, эртанги кунга ишончини оширишга қаратилган. Ҳудуднинг иқтисодий тарақиёти нафақат иқтисодий, балки ижтимоий-маданий соҳа ривожига ҳам асос бўлиши билан бирга, келгусида қорақалпоқ эли фаровонлиги учун замин яратди.

Асрга татиғулик қарор

Президентимизнинг 2020 йил 11 ноябрдаги “2020-2023 йилларда



Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ҳудудни комплекс тараққий этиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур қарор Қорақалпоғистоннинг мавжуд ижтимоий-иқтисодий, шу жумладан, ишлаб чиқариш ва инвестиция салохиятидан самарали фойдаланиш, ҳудудда муҳандислик-коммуникация, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини яхшилаш, иқтисодиёт тармоқларини барқарор ривожлантириш, шу асосда аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини оширишга хизмат қилмоқда.

Қарорда 2020-2023 йилларда Қорақалпоғистонни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган. Хусусан, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини

таъмирлаш чоралари қўрилади. 246 та аҳоли пункти маиший газ баллонлари билан узлуксиз таъминланиб келинмоқда. Шунингдек, 442 та трансформатор пункти ва 1 023,8 километр электр узатиш тармоғи қуриш ҳамда реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди, электр энергияси истеъмоли қуввати 1,5 миллиард кВт/соатдан 2,1 миллиард кВт/соатга оширилди.

Ҳудудда 444,7 километр халқаро ва республика аҳамиятига молик ҳамда 408,1 километр маҳаллий ва ички автомобиль йўллари янгидан қуриш ва реконструкция қилиш, 290 та аҳоли яшаш пунктига оптик толали тармоқ тортиш, 150 та янги базавий станция қуриш ва 200 тасини модернизация қилиш, ҳар бир аҳоли пунктини 10 Мб/соатдан кам бўлмаган тезликда интернет тармоғига улаш, 90,9 минг гектар қишлоқ ҳўжалиги ер майдонининг сув таъминотини, 208

Бу қўламли дастурлар ижроси аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларнинг узогини яқин, оғирини енгил қилишга замин бўлади.

Мўйноқ янгича қиёфа
касб этди

Олий Мажлис Сенатида Оролбўйи минтақасини ривожлантириш, аҳоли ҳаётини яхшилаш ва даромадларини ошириш буйича янги қўмита ташкил этилган эди. Ўтган даврда Орол денгизининг қуриган ҳудудида чўл ўсимликларни экиш учун 1 миллион 126 минг гектар майдонда жўяк тортилиб, 461 минг гектарга саксовул уруғи қадалди, қўчатлар экилди. 700 минг гектар ерда “яшил қоплама” — ҳимоя ўрмонзорлари барпо қилинди. Бунинг учун 61 миллион туп саксовул, қандим ва бошқа чўл ўсимликлари, вилоятлардан 45 миллион тупдан ортиқ қўчат олиб келиб экилди. Пировавда экологик жиҳатдан ночор аҳолига тушиб қолган Мўйноқ бугун бутунлай янгича қиёфа касб этди, жадал ривожланиб бораётган замонавий туманлардан бирига айланди.

Ушбу ҳудуднинг муҳими ва ҳайвонот дунёсини тиклаш буйича келаси 5 йилликнинг миллий дастури ишлаб чиқилмоқда. Умуман олганда, Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масаласи сўнги 30 йил ичида биринчи марта давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Қорақалпоғистонга алоҳида эътибор берилиб, катта куч ва ресурслар жалб этилгани ўз натижасини бераётганини юқоридagi рақамларда кўришимиз мумкин. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққийёт стратегиясида белгиланган чора-тадбирлар ва амалга оширилади.

ривожлантириш соҳасида 141 минг нафардан зиёд аҳолини марказлашган ичимлик сув таъминоти тармоғига улаш ва марказлашган тармоқлар орқали тоза ичимлик сув билан таъминланганлик даражасини 61,5 фоиздан 70,1 фоизга етказиш белгиланган.

Дастурда ҳудудларни мутаносиб ривожлантириш устувор йўналиши сифатида белгиланган. Туман ва шаҳарлар кесимида 14 та беш йиллик ҳудудий дастур амалга оширилади.

Ҳудудларда аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш учун урбанизация сиёсатини янада такомиллаштириш кўзда тутилмоқда. Урбанизация мақсадида катта, ўрта ва кичик шаҳарлар ўртасида транспорт логистика тизими ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари амалга оширилади. Реновация дастурлари асосида шаҳарларда эскирган уйлар ўрнига 19 миллион квадрат метрдан ортиқ замонавий уй-жой барпо этилади, 275 мингдан зиёд оила янги массивларга кўчиб ўтади.

Қорақалпоғистоннинг барча шаҳар, туман ва овулларини комплекс ривожлантиришга ҳар қачонгидан ҳам устувор эътибор қаратилади. Бинобарин, Нукус шаҳри, Тяхиатош ва Ҳўжайли туманлари марказларида 105 мингдан зиёд аҳоли хонадонини оқова сув тармоғига улаш ва оқова сув хизматлари билан таъминлаш даражасини 14,1 фоиздан 20,2 фоизга етказиш кўзда тутилган.

Нукус шаҳри ва Тяхиатош туманида кўп хонадонли уй-жойларнинг ички иссиқлик таъминоти тизимларини тўлиқ реконструкция қилиш, 9 та аҳоли пунктида табиий газ тармоқларини мукамал

минг гектар майдоннинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ва 45 минг гектар экин ерда суви тежовчи технологиялар жорий қилиш бошлаб юборилган.

Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш йўналишида эса 21 та давлат мактабгача таълим ташкилоти ва 400 та оилавий мактабгача таълим ташкилоти биносини қуриш, 55 тасини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш, 20 та мактабгача таълим ташкилотини давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиш, 7 та умумий ўрта таълим мактаби қуриш, 101 та мактабни реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш ишлари босқичли амалга оширилмоқда. Шу асосда умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчи ўрни коэффициентини 1,1 фоиздан ошиб кетмаслигини таъминлаш ва 32 та тиббиёт муассасасини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда хусусий тиббиёт ташкилотларини ташкил этиш, тиббиёт муассасаларининг қабул қилиш қувватини 20,4 мингга, ўринлар сони 7,1 мингга етказиш чоралари қўрилмоқда.

21 та маданият объектини қуриш ва реконструкция қилиш, аҳолига маданий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, уларнинг маданий эҳтиёжларини қондириш ва бўш вақтининг мазмунли ўтишини таъминлаш, 181 та мактабни “Бир миллион дастурчи” лойиҳасига киритиш ва 3 мингдан ортиқ ёшнинг компьютер дастурлаш асосларида ўргатиш орқали рақамли технологиялар йўналишида етук мутахассислар тайёрлаш буйича ҳам ишлар қизғин кечмоқда. 39 та спорт объектини қуриш, реконструкция қилиш орқали қўшимча 83 минг кишининг спорт билан шуғулланиши учун шарт-шароитлар яратилади.

Қорақалпоғистонда 7 минг 4 та хонадонли 235 та замонавий кўп квартиралли турар жой мажмуасини барпо этиш, шунингдек, ёш оилалар ва кам таъминланган аҳоли учун 2 минг 84 та хонадонли 36 та арзон уй-жой қуриш орқали уларнинг яшаш шароитини яхшилаш масалалари аниқ ечимини топгани билан аҳамиятлидир.

Қорақалпоғистонда 2020-2022 йилларда ҳудудий инвестиция лойиҳалари доирасида умумий қиймати 12,3 триллион сўмлик 1 минг 359 та лойиҳа ишга туширилиб, 17,5 мингта янги иш ўрни яратилди. Ушбу жараёнда 523 миллион доллар миқдоридagi тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштириш, халқаро молия институтларининг 1 миллиард доллар миқдоридagi маблағини муҳим инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга йўналтириш, йиллик экспорт ҳажминини 347 миллион долларга, экспорт қилувчи корхоналар сони 250 тага, экспорт географиясини 45 тага етказишга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Унга қўра, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар турини 30 тадан ошириш мўлжалланган.

Қарорда ҳудуддаги эркин иқтисодий зоналарда қиймати 21,2 миллион долларга тенг 9 та лойиҳа, кичик sanoat зоналарида эса қиймати 28 миллион долларлик 81 та лойиҳани ишга тушириш белгиланган. Бу борада янги sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, жумладан, 9 та корхона фаолиятини йўлга қўйиш ишлари бошлаб юборилган.

Туманларда 27 та sanoat кластерини ташкил этиш, sanoati паст бўлган Тяхиатўлир, Бўзатов ва Шуманай туманларида камда 50 та янги sanoat корхонасини ишга тушириш режалаштирилган.

Халқимизда ер элни тўйдирди, деган ибора бор. Ҳудудда 30 минг гектарда кунжут экиш йўлга қўйилиб, маҳсулот тўлиқ экспортга йўналтирилади. Балиқ еттиштириш ҳажминини икки баравар ошириш ҳисобига (2021 йилда 35 минг тонна) 2022 йилда 50 минг тоннага етказилади. Бу каби лойиҳалар Қорақалпоғистон sanoatини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Туризм инфратузилмаси
яратилади

Қорақалпоғистонда туризм учун қўлай бўлган 7 та маскан мавжуд. Жумладан, Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Республикаси давлат санъат музейи коллекцияси, Орол денгизи, занг босган 11 та кемадан иборат “Кемалар қабристонини”, Миздаҳон меъморий мажмуаси, Аёзқалъа, Тэтис уммонни қолдиги — Борса келмас, Судочье қўли — буларнинг барчаси туризмни ривожлантириш учун қўлай имкониятларга эга.

Шунинг учун ушбу жойларда туризм ривожига оид катта дастурлар амалга оширилиши кўзда тутилган. Ҳар йили камда 900-950 та янги хизмат кўрсатиш объектини ташкил этишни қўллаб-қувватлаш орқали хизмат кўрсатиш ҳажминини камда 2,5 баравар ошириш, хорижий сайёҳлар сони



ган ислохотлар Қорақалпоғистоннинг жадал ривожланишига замин яратди.

235 та замонавий
кўп квартиралли уй-жой
қурилади

Ҳар бир одамнинг орзу-ҳаваси бор. Ўғил уйлантириш, қиз узатиш, уларни уй-жойли қилиш каби эзгу ниятлар шулар жумласидан. Ўтган давр мобайнида Қорақалпоғистонда ҳам ана шундай эзгу мақсадлар йўлида, аҳолини рози қилиш учун уй-жойлар қуришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг юқоридagi қайд этиб ўтилган қарори

80 минг нафарга, туризм хизматлари экспортини 45 миллион долларга етказиш мўлжалланмоқда.

Юқоридagi далиллар давлатимиз томонидан Қорақалпоғистонда олиб борилаётган улкан ислохотлар қўламини, микёсини акс эттирадиган, десак муболага бўлмайди. Белгиланган вазифалар эса Қорақалпоғистоннинг мавжуд имконият ва ресурсларидан самарали фойдаланишнинг аҳамиятини белгилайди.

Бундай улкан иқтисодий ислохотлар, ижтимоий-маданий соҳадаги туб бурилишлар, кенг қўламли янгиликнинг жараёнлари мазкур ҳудудда мавжуд муаммоларни бартараф этиш билан бирга, таълим-тарбия сифатини оширади, аҳоли фаровонлиги учун реал асос бўлади.



МУНОСАБАТ

ТАЪЛИМ КЛАСТЕРИ

РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Садриддин ТУРОБЖОНОВ, Тошкент давлат техника университети ректори, профессор

Ўтган йил 25 декабрь куни давлатимиз раҳбари Қашқадарё вилояти Ғузор туманида жойлашган “Uzbekistan GTL” заводини таянганлиги очиб берди. Ушбу завод нафақат мамлакатимизда, умуман, минтақамизда нефть, газ-кимё саноати соҳасидаги энг йирик корхона бўлиб, мажмуада йилига 3,6 миллиард метр куб табиий газ қайта ишланади. Қиймати 1 миллиард АҚШ долларида зиёд бўлган 1,5 миллион тонна тайёр суюқ маҳсулот ишлаб чиқарилади. Корхона йилига 307 минг тонна авиакеросин, 724 минг тонна дизель ёнилғиси, 437 минг тонна нефть, 53 минг тонна суюлтирилган газ тайёрлаш қувватига эга.

“Uzbekistan GTL” заводи билан танишиш вақтида Президентимиз заводининг бошқарув марказида ушбу мажмуани лойиҳалаш, қуриш, ишга тушириш ва бошқаришда фаол иштирок этаётган маҳаллий ёшлар билан учрашиб, самимий суҳбатлашди. Ушбу қоракўзлар ўзимизнинг маҳаллий кадрлар бўлиб, Тошкент давлат техника университети, Тошкент кимё-технология институти ва Қарши муҳандислик-иктисодиёт институти битирувчилари экани барчамизни қувонтирди.

Учрашувда соҳага тегишли қатор корхона, ташкилот ва олий таълим муассасаларига ишлаб чиқариш ва илм-фан интеграциясини таъминлай-

ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга тўғридан-тўғри татбиқ қилиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Қарорнинг биринчи иловасида нефть ва газ соҳасидаги таълим-ишлаб чиқариш кластерининг тузилмаси келтирилган. Унда юртимиздаги нуфузли олий таълим муассасалари қаторида Тошкент давлат техника университети ҳам борлиги жамоамизнинг барча профессор-ўқитувчиларини қувонтирди. Шу билан бирга, зиммамизга улкан масъулият юклатди.

Қарорга биноан, таълим кластери тузилмаси, таълим кластери фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш



томонидан “Суюқ углеводородларни олиш учун янги турдаги катализаторларни яратиш”, “Суюқ углеводородларни олишда оралик маҳсулотларни қайта ишлаш” ва “Қуйи молекуляр газларни термохимийвий қайта ишлаш” лойиҳаларини амалга ошириш мулкжалланган.

Бугун Тошкент, Навоий, Фарғона, Бухоро вилоятлари ва Устюртда яна 5 та кимё технология кластерини ташкил этиш бошланган.

Мавжуд ва янги қувватларни юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, мажмуа соҳада таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасида ўзаро интеграцияни йўлга қўйиш, кадрларни ўқитишнинг усул ва шакллари тақомиллаштириш орқали таълим сифатини ҳамда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга тўғридан-тўғри татбиқ қилиш мақсадида “Ўзбекнефтегаз” АЖнинг ишлаб чиқариш корхоналари, таълим, илмий тадқиқот ҳамда кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ташкилотлари билан биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартнома асосида нефть ва газ соҳасидаги таълим-ишлаб чиқариш кластери ташкил этилмоқда.

Ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат қилаётган, кўп йиллик тажрибага эга, лекин олий таълимга эга бўлмаган ходимларни “Ўзбекнефтегаз” АЖнинг тавсияномаси асосида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда, кейинчалик ўзи фаолият юритиб турган корхонада камидан 4 та йил ишлаб бериш шартин билан олий таълим муассасалари бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларида табақалаштирилган тўлов-контракт асосида мақсадли ўқитиш тартиби жорий этилади.

Ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат қилаётган, кўп йиллик тажрибага эга, лекин олий таълимга эга бўлмаган ходимларни “Ўзбекнефтегаз” АЖнинг тавсияномаси асосида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда, кейинчалик ўзи фаолият юритиб турган корхонада камидан 4 та йил ишлаб бериш шартин билан олий таълим муассасалари бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларида табақалаштирилган тўлов-контракт асосида мақсадли ўқитиш тартиби жорий этилади.

Таълим кластеридан келгуси 5 йилда қатор натижалар кутилмоқда. Жумладан, 220 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчи ва тадқиқотчи, 3 мингдан ортиқ талаба ва магистрантлар корхоналарда стажировкаси ва амалиётини ташкил этилади. Етмиш нафардан ортиқ профессор-ўқитувчи хорижий мамлакатларга малака оширишга юборилади. Шунингдек, 150 нафардан ортиқ ходим бакалаврият, 100 нафардан ортиқ магистратурада тахсил олишга жалб этилади. Ишлаб чиқариш корхоналаридаги 20 нафардан ортиқ мутахассиснинг илмий даража олиши таъминланади. Қолаверса, олийгоҳларда ўнга яқин ўқув лабораторияси, симуляцион хоналар ва тренажёрлар ташкил этилади. Амалиётчи мутахассислар билан ҳамкорликда ўттиздан ортиқ дарслик, ўқув қўлланма, адабиётлар нашр этилади.

Бу эса ишлаб чиқариш ва илм-фан интеграциясини таъминлайдиган таълим кластерининг нафақат ўқитиш сифатини ошириш, балки ишлаб чиқариш билан узвий ҳамкорликда ишлаш, рақобатбардош ва сифатли кадрлар тайёрлаш, ёндашувини ўзгартириш зарурлигини кўрсатади.

Ушбу таълим кластери хорижлик муҳандис-технологлар билан рақобатлаш оладиган, юқори салоҳиятли кадрларни тайёрлашнинг муҳим омили бўлади.

“ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА МЕХНАТ ҚИЛАЁТГАН, КЎП ЙИЛЛИК ТАЖРИБАГА ЭГА, ЛЕКИН ОЛИЙ МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛМАГАН ХОДИМЛАРНИ “ЎЗБЕКНЕФТЕГАЗ” АЖНИНГ ТАВСИЯНОМАСИ АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН АЖРАЛМАГАН ҲОЛДА, КЕЙИНЧАЛИК ЎЗИ ФАОЛИЯТ ЮРИТИБ ТУРГАН КОРХОНАДА КАМИДА 4 ТА ЙИЛ ИШЛАБ БЕРИШ ШАРТИ БИЛАН ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БАКАЛАВРИЯТ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА МАГИСТРАТУРА МУТАХАССИСЛИКЛАРИДА ТАБАҚАЛАШТИРИЛГАН ТЎЛОВ-КОНТРАКТ АСОСИДА МАҚСАДЛИ ЎҚИТИШ ТАРТИБИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ.

диган таълим кластерини ташкил этиш топшириғи берилди. Мазкур вазифалар ижроси юзасидан амалий ишлар бошланди. Жумладан, “Uzbekistan GTL” заводида олий таълим негизда таълим кластерини ташкил қилиш учун ўқув дастурларини замонавий талаблар асосида қайта қўриб чиқиш, талабалар амалиётини шу мажмуада ташкил этиш бўйича тизимда фаолият юритаётган раҳбар ходимлар ва профессор-ўқитувчилардан иборат ишчи гуруҳ шу йилнинг 12-13 январь кунлари ушбу мажмуада бўлди.

Университет масъуллари ва профессор-ўқитувчилари корхонада бўлиб, унинг имкониятлари билан яқиндан танишди. Марказий лаборатория, бошқарув пулти ва бевосита ишлаб чиқариш жараёнидаги шароитини ўрганиб, бу ерда меҳнат қилаётган ёшлар билан суҳбатлашди. Мулоқот жараёнида мегалоиҳа имкониятлари ва кадрларга қўйилаётган талаблар ҳақида сўз борди. Еш мутахассислар олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш тизими бўйича қатор тақлифлар билдирди.

Мана шу саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилиб, шу йил 7 июлда давлатимиз раҳбарининг “Нефть ва газ соҳасида таълим-ишлаб чиқариш кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унда нефть ва газ саноатини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, мазкур соҳада таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасида ўзаро интеграцияни йўлга қўйиш, кадрларни ўқитишнинг усул ва шакллари тақомиллаштириш орқали таълим сифатини ҳамда меҳнат

БУХОРО ДЕКЛАРАЦИЯСИ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ РАСМИЙ ҲУЖЖАТИ СИФАТИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Жорий йил 16-20 май кунлари Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида ўтказилган “Декларациялар мулоқоти” халқаро форуми иштирокчилари томонидан қабул қилинган Бухоро декларацияси БМТ Бош Ассамблеяси 76-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида қабул қилинди.

Ҳужжат БМТнинг олтинчи расмий тили — араб, хитой, инглиз, француз, рус ва испан тилларига таржима қилинди ва барча аъзо давлатларга, БМТнинг ихтисослашган идораларига тарқатилди, ташкилот журналида чоп қилинди ва расмий ҳужжатлар тизимида а/76/865 рақами остида қайд этилди.

Халқаро форум Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг 2018 йилда қабул қилинган “Маърифат ва диний бағрикенглик” махсус резолюциясида белгиланган тамойил ва қоидаларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича амалга оширилаётган тизимли ва изчил саъй-ҳаракатларнинг бир қисми ҳисобланади.

Тадбир Ўзбекистон Президентини хузиридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти томонидан мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идоралари, шунингдек, АҚШнинг Глобал ҳамкорлик институти билан биргаликда ташкил этилди. Форумда Европа, Осиё, Яқин Шарқ, Африка ва АҚШдан таниқли диншунос олимлар, илоҳиётшунослар, экспертлар ва ҳуқуқшунослар иштирок этди. Халқаро форум якунида қабул қилинган Бухоро декларациясида иштирокчилар инсоннинг асосий ҳуқуқи сифатида эътиқод эркинлигига қатъий риоя қилишга алоҳида эътибор қаратган.

Декларацияда бугун дунёда кучайиши кузатилаётган муросасизлик ҳолатлари, дин ёки эътиқод нуқибаси остидаги зўравонлик ҳаракатлари қораланган. Шу муносабат билан ахборот макони, жумладан, ижтимоий тармоқларда диний муросасизлик ва камситиш тарғиб этилишининг олдини олишга қақирилган.



Анжуман иштирокчилари ижтимоий, маданий ва диний жараёнларни очиб ва конструктив муҳокама қилишни, шунингдек, миллий, минтақавий ва халқаро кўламада кўп конфессиялар ва маданиятлараро мулоқотни кенгайтиришни олқишлаган.

Барча динлар вақиллари конфессиялараро мулоқотни (ва шерикликни), айниқса, диний етакчилар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга содиқлик кўрсатиши зарурлиги таъкидланган. Кўп конфессияли дастурлар бутун жаҳият томонидан умуминсоний қадриятлар ва чуқур илдизли эътиқодлар теран англинишига ҳизмат қилади.

Ҳужжатда таълим ва маърифатнинг диний бағрикенгликни тарғиб қилиш, цивилизациялар, маданиятлар, динлар ва эътиқодлар ўртасидаги ўзаро англиш ва ҳурматни рағбатлантириш, дин ёки эътиқодга асосланган ҳар қандай муросасизлик ва камситишнинг

олдини олишдаги юксак аҳамияти тан олинган.

Бухоро декларацияси Ўзбекистон ва халқаро ҳамжамиятнинг диний эркинлигини тарғиб қилишдаги амалий қандамларини ифодалаган. Ҳужжат барча дин вақилларини динлараро мулоқот ва жаҳиятда тотувликни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббус ва дастурларни амалга оширишга қақиради.

Бухоро декларациясининг БМТ Бош Ассамблеяси 76-сессияси расмий ҳужжати сифатида қабул қилинган Ўзбекистоннинг дин эркинлигини таъминлаш, ўзаро ҳурмат, англишув ва ишонч таъминлашга асосланган динлараро мулоқотни мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим ҳиссаси ва саъй-ҳаракатлари халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилаётганидан далолат беради.

“Дунё” АА Нью-Йорк

БУГУННИНГ ЁШЛАРИ

ЮКСАК ИШОНЧНИ, АЛБАТТА, ОҚЛАЙМИЗ!

Ўзбекистон — бахтиёр ёшлар мамлақати! Мен шундай бетакор юрда яшаётганимдан фахрланаман. Бу ғурур айни пайтда катта масъулият юклайди. Шунга муносиб бўлиш учун тинимсиз ўқиб-ўрганиб, улкан мақсадларим сари интилиб келяпман. Бу йўлда давлатимиз раҳбари бизни ҳар томонлама қўллаб, юксак марраларга даъват этмоқда.



Нилуфар РЎЗИЕВА, АҚШнинг Чикаго университети магистранти

Бугунги ёшларнинг салоҳияти, дунёқараши, билдирган тақлиф ва ташаббуслари, мустақил фикрлаш тарзи, келажак ва Ватан, жаҳиятдаги ўрни ва масъулияти ҳақидаги қарашлари барча ота-оналар, устоз-мураббийлар қаторида Президентимизни ҳам чекисиз қувонтириб келяпти. Бу давлатимиз раҳбарининг 30 июнь куни ёшлар билан самимий мулоқоти чоғида яна бир қарра намоеъ бўлди. Ҳар бир истеъдодли ёш билан оталарча ғамхўрлик, меҳр-муҳаббат ила суҳбатлашди.

Бундай шараф чет элнинг нуфузли олийгоҳларида тахсил олаётган талабалар қатори менга ҳам насиб этганидан, Президентимиз Ёшлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан “Эл-юрт умиди” марғаммаси орқали ўқишга юборилган ва юборилаётган тенгдошларим сафида менинг номимни ҳам қайд этганидан беҳад мамнунман.

Давлатимиз раҳбари “Бу ўғил-қизларимиз халқимизнинг олтин фондиди, Учинчи Ренессанс бунёдкорлари, десам, ҳеч муболага бўлмайдими. Янги Ўзбекистоннинг ҳақиқатан ҳам бундай фидойи, билимли, зукко ва ватанпарвар ўғил-қизларимиз барчага намуна бўлиши керак”, деганида зиммамиздаги масъулият залворини янада теран ҳис этдик.

Тадбиркорлар оиласида туғилганман. Отам-онам илм олишимиз учун бизга барча шароитни яратиб берди. Мактабда аъло ўқишга интилдим. 2011 йилда Навоий шаҳридаги 1-сонли махсус инглиз тилига ихтисослашган

гимназия мактабини имтиёзли диплом билан тугатдим. 2014 йилда эса Тошкент халқаро Вестминстер университети талабаси бўлишдек катта орузимга эришдим. Бу ҳаётимни тубдан ўзгартириб юборди. Мақтанишга йўйманг, тез орада университетнинг ташаббускор ва аълочи ёшлари сафига қўшилдим. 2015 йилда факультет сардори, 2017 йилда университет талабалар кенгаши аъзоси ва Ёшлар етакчиси ўринбосари сифатида фаолият олиб бордим. 2018 йилда университетини иқтисодиёт ва молия йўналиши бўйича аъло баҳоларга таомладим.

Иш фаолиятимни халқаро Ernsts&Young корхонасида аудитор ёрдамчиси бўлиб бошладим. 2019 йилнинг февраль ойидан Навоий кон-металлургия комбинатининг Лойиҳа офисига мо-

торлик компанияси иштирокида глобал стандартларга асосан барқарор ривожланиш ҳисоботи (ESG) тайёрланди. Комбинат умумий захираларнинг 90 фоизини ўзида мұжассамлаштирган 29 та кон Австралия кодекси JORC Code стандартлари асосида тўлиқ қайта баҳоланди. Шунингдек, комбинатнинг тубдан янгилаш корпоратив тузилмаси тайёрланиб, амалиётга жорий қилинди.

Ана шундай масъулиятли жараёнларда иштирок этиб, баҳоли қудрат ҳисса қўшганимдан мамнунман.

Билим ва амалиётни мустаҳкамлаш ниятида АҚШнинг Чикаго университети (University of Chicago Booth School of Business)га бизнес бошқаруви магистри (MBA) дастурига ҳужжатларимни топширдим ва шартсиз ўқишга қабул қилиндим. Ушбу йўналиш халқаро MBA

“ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ “БУ ЎҒИЛ-ҚИЗЛАРИМИЗ ХАЛҚИМИЗНИНГ ОЛТИН ФОНДИ, УЧИНЧИ РЕНЕССАНС БУНЁДКОРЛАРИ, ДЕСАМ, ҲЕЧ МУБОЛАГА БЎЛМАЙДИ. ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ КЕЛАЖАГИ ҲИСОбЛАНГАН БУНДАЙ ФИДОЙИ, БИЛИМЛИ, ЗУККО ВА ВАТАНПАРВАР ЎҒИЛ-ҚИЗЛАРИМИЗ БАРЧАГА НАМУНА БЎЛИШИ КЕРАК”, ДЕГАНИДА ЗИММАМИЗДАГИ МАСЪУЛИЯТ ЗАЛВОРИНИ ЯНАДА ТЕРАН ҲИС ЭТДИК.

лиявий тахлилчи сифатида ишга тақлиф этилдим. Ҳозирги вақтда етакчи мутахассис вазифасини бажариб келяпман.

Кейинги уч йил мобайнида комбинатимизда трансформация жараёнлари амалга оширилди. Бунда асосий эътибор корхонани халқаро молиявий бозорнинг тенг ҳуқуқли иштирокчисига айлантириш, унда корпоратив бошқарув тизимини жорий қилиш, рақобатбардошликни ошириш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва энг асосийси, соҳага тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантиришга қаратилди.

Ушбу жараёнларни жадаллаштириш ва ақциядорлик жаҳиятини ташкил этиш бўйича комбинатнинг қимматбаҳо металлур ишлаб чиқариш сегментига оид 117,5 триллион сўмлик актив ва мажбуриятлари жаҳият балансида ўтказилди ҳамда устав капитални шакллантирилди. Халқаро молия бозорларига чиқиш мақсадида инвесторлар талабларига мувофиқ, халқаро ауди-

дастурлари рейтингларида энг нуфузли ҳисобланади. Бинобарин, “Usnews 2023 Best Business Schools” рейтингига Чикаго университети биринчи ўринда туради.

Мен магистратура дастурини муваффақиятли тугатиб, янги Ўзбекистон келажаги йўлида янги куч ва билимлар билан ишимни давом эттирмоқчиман. Айниқса, металлургия соҳасида илгор халқаро корпоратив тажрибаларни жорий этиш олий мақсадларимдан берибдир. Бунда олган билимларим ва орттирган тажрибам юртимизда илгор гоёларни татбиқ қилишда қўл келади, деган ниятдаман.

Президентимиз ва ота-онамиз биздан бир нарсани сўрайди: “Тинимсиз ўқиб, изланиб, замонавий билимларини эгаллашдан, кўнглингиздаги эзу мақсадлар сари ҳаракат қилишдан ҳеч қачон тўхтаманг!” Биз бу даъватга муносиб бўлиш, юксак ишончини оқлаш ва, албатта, юксак марраларни эгаллаш учун доим интилишда бўламиз.

ЭҶТИРОМ

ЎЗБЕК-ТУРКМАН
МАНЗУМАСИ

Манзилу макони куёшли, ойли,
Тиник осмонлари ўзбек, туркманнинг.
Тоғлари, даштлари ҳаволи, сойли,
Боғу бўстонлари ўзбек, туркманнинг.

“Шундай бўлди Ҳақдин бизга фармонлар,
Жаҳонни сайр этиб кезган карвонлар”,*
Элим деб ёнсалар ботир сарбонлар,
Марду майдонлари ўзбек, туркманнинг.

Бири хусн бўлса, бири юздекдир,
Бири кош бўлса гар, бири кўздекдир.
Бири туркман бўлса, бири ўзбекдир,
Чехра хандонлари ўзбек, туркманнинг.

Оху десам бири тортар юзини,
Кийик десам бири ўйнар кўзини.
Ҳаёсин, ибосин кўргил кизини,
Нозли жайронлари ўзбек, туркманнинг.

Ўзи ҳавас айлар бахтингга ҳаёт,
Уйинг обод бўлса, кўнглинг ҳам обод,
Бири Тошкент бўлса, бири — Ашхобод,
Қасру кўрғонлари ўзбек, туркманнинг.

Ёлғиз отнинг донғи чиқмайин тўзар,
Оқил зотлар Ваган куриб, эл тузар,
Бирлашмаган тўзар, бирлашган — ўзар,
Аҳду паймонлари туркман, ўзбекнинг.

Навоий куйлаган вафо гулини,
Туркман ҳам сийламиш очиб кўнглини,
Ўзбек ҳам ёд айлар Махтумқулини —
Шеър дostonлари туркман, ўзбекнинг.

Толеинг шу қутлуғ замонлардадир,
Боболаринг шони ўлгонлардадир.
Бугун жаҳонро, жаҳонлардадир —
Сайру жавлонлари туркман, ўзбекнинг.

Оламни лол этган ҳайрати бордир,
Саодати бордир, санъати бордир.
Кетмас бўлиб келган давлати бордир,
Давру давронлари ўзбек, туркманнинг.

**Сирожиддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири**

* “Алломиш”дан.

АДАБИЙ ДЎСТЛИК – АБАДИЙ ДЎСТЛИК



Туркий халқлар адабиётида Заҳириддин Мухаммад Бобур асарлари устида кўплаб тадқиқотлар қилинган. Хусусан, “Бобурнома” ҳақида туркиялик олимлар Фуод Кўпрулу ва доктор Ризо Нур томонидан 1925 йилда Анқаранинг “Турк юрти” журналидаги “Бобур” мақоласида сўз боради. Унда Бобурнинг ҳаёти ва ижоди, асарлари, хусусан, “Бобурнома”га оид маълумотлар муштарийлар эътиборига ҳавола этилади. Ўзбекистонда бобуршуносликка доир илк тадқиқотлар маърифатпарвар боболаримиз Вадуд Махмуд ва Абдурауф Фитратга тегишлидир. Ушбу тадқиқотлар туркий халқлар адабиёти тарихида Бобур ижодига доир илмий изланишларнинг дебочаси ҳисобланади.

Бобур ижодига муносабати замирида азалий қадриятлар мужассамлашган. Негаки, Бобур туркман адабиёти ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатган етук адабий шахсдир. Бобур ижоди туркман мумтоз адабиёти, жумладан, XVII-XVIII асрлар туркман адабий муҳитига ўзига хос таъсир этган, турли ижтимоий воқеаларни акс эттирувчи шеърый асарлар юзага келишига сабаб бўлган, дейиш мумкин.

Туркман адабиётининг бу даври ҳақида сўз борганда, аввало, шоир Шобанданинг “Шоҳ Баҳром”, “Гулу Булбул”, “Хўжамберди” дostonлари ва қатор лирик шеърлари, Маъруфийнинг “Сайфул мулк Мидҳал Жамол”, “Юсуф ва Аҳмад”, “Давлат Эр”, Шайдоийнинг “Қиссаи Санавбар”,

ДУНЁ БОБУРШУНОСЛИК
ИЛМИГА ҚЎШИЛАЁТГАН ҲИССАЁХУД ТУРКМАН АДАБИЁТИ РИВОЖИГА ИЖОБИЙ
ТАЪСИР КЎРСАТГАН АЛЛОМА

**Шухрат ҲАЙИТОВ,
филология фанлари бўйича
фалсафа доктори**

Шундан кейин бугунга қадар “Бобурнома” асари билан биргаликда Бобурнинг бошқа асарлари устида кўплаб илмий ишлар олиб борилди. Турк, озарбайжон, туркман, қозоқ, қирғиз, уйғур олимлари томонидан “Бобурнома”, “Бобур девони”, “Мубайин”, “Рисолаи волидия” асарлари таржималари эълон қилинди.

Туркий халқлар адабиётида Бобур ҳаёти ва ижоди ўрганилишида туркманistonлик олимларнинг ҳам муносиб ўрни бор. Ўзбек ва туркман халқлари азалдан бир дарёдан сув ичиб, тинч-тотув, аҳлиноқ яшаб келган. Халқларимизни ягона тарих, муштарак маданият, адабиёт ва қадриятлар, ўхшаш тил ва урф-одатлар бирлаштириб туради. Истеъдодли олим, мохир таржимон Раҳиммамат Куренов илмий




адабиётимизнинг нодир манбалари, жумладан, Алишер Навоий ва Бобур асарларини чуқур ўрганиш ва таржима қилиш ишларига муносиб ҳисса қўшиб келаётган заҳматқашлардан биридир.

амалга оширилган бу таржимадан “Девон”, “Рисолаи волидия” ҳамда Бобур адабий мероси ҳақидаги қисқача маълумотлар ва “Луғат” бўлими ўрин олган.

Р.Куренов, айниқса, мустақиллик йилларида Ўзбекистон ва Туркманiston ўртасидаги илмий-адабий алоқаларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган чинакам фидоий олимлардан бири сифатида танилди. Бобур шахсиятига юксак эҳтиром руҳида камол толгани уни шоҳ ва шоир шеърятининг жаҳон миқёсида толмас тарғиботчисига, таржимонига айлантирди. Олимнинг мумтоз адабиётга бўлган ботиний интилиши, ўзбек адабиётига ўзига хос қизиқиши туркман адабиётида бобуршунослик соҳаси ривожланишига сабаб бўлди. Туркманistonда бобуршунослик илмий ривожига салмоқли ҳисса қўшган олим халқро миқёсда ҳам илмий тадқиқотлар қилишга эришди.

Ҳиндистонда ташкил топган бобурийлар давлатини идора қилишида туркман халқи вакиллари ҳам қатнаш-



Нурмуҳаммад Ғариб Андалибнинг “Лайли ва Мажнун” дostonларини алоҳида эслаб ўтиш лозим.

Махтумқули ижоди эса туркман мумтоз адабиёти чўққиси ҳисобланади. У Шарқ адабиётини чуқур ўрганиб, туркман мумтоз адабиётини шаклан ва мазмунан мукамал газаллар, рубойлар, қитъалар билан бойитди.

Р.Куренов ана шу адабий портретларни чуқур ўрганди. Улар ижодини ўзбек мумтоз адабиёти, қолаверса, Шарқ классик асарлари билан ўзаро қиёслади. Жумладан, тадқиқотларида Алишер Навоий, Бобур, Махтумқули каби алломалар ижодини қиёсий адабиётшунослик нуқтаи назаридан ўрганди. Шарқ мумтоз адабиётининг энг улғу мутафаккирлари асарларини туркман адабиётининг юқорида санаб ўтилган ёрқин сиймолари ижоди билан ўзаро солиштирган ҳолда илмий-назарий хулосалар чиқаришга эришди.

Р.Куренов Бобурнинг адабий мероси ҳақида тўхталар экан, XIII-XV асрлардаги сиёсий аҳвол, ижтимоий ҳаёт, Бобур замонида оид муҳим тарихий воқеалар, Бобур ҳаёти ва ижоди, шажараси, ижтимоий-сиёсий фаолиятига доир жиҳатлар ҳақида ҳам атрофлича тўхталиб ўтади. Бобур Мирзонинг сиёсий маҳорати, динга муносабати, тил ва адабиёт соҳасидаги юксак билимини эътироф этади. Буюк саркарданинг Мовароуннаҳр, Афғонистон ва Ҳиндистон ўлкаларидаги ибратли фаолияти ҳақида қисқача баён қилади.

“Бобурнома”, “Аруз рисоласи”, “Мубайин”, “Рисолаи волидия”, “Бобур девони” ва уларнинг нашри, туркий халқлар адабиётининг ўрни, жумладан, туркман адабиётига таъсири масалалари, асарларининг ўрганилиш, масалан, шоир “Девон”нинг ёзилиш тарихи, шунингдек, Истанбул, Париж, Рампур, Теҳрон қўлёзма нусхалари ҳақида қисқача маълумотлар келтириб ўтади.

Юқоридагилардан аналитикадики, туркий халқлар, хусусан, туркман адабиётининг Бобур ҳаёти ва ижодини ўрганишга қизиқиш дунё бобуршунослик илмида муҳим ўрин эгаллайди. Бобур асарларини туркман тилига таржима қилиш асосида эгалланган билим ва тажрибалар эса бобуршунослик соҳасидаги келгуси тадқиқотларга асос бўлиб хизмат қилади.



фаолиятига бир қур назар ташлаш орқали фикрларимизни далиллашга ҳаракат қиламиз.

“Бобур девони” ва “Рисолаи волидия” асарлари таржимони, туркман адабий жараёнининг фаол аъзоси, адабиётшунос олим Р.Куренов бугунги кунда ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги азалий дўстлик ва биродарлик ришталарини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, уларга дахлдор умумий маънавий меросни беэвол етказиш, тарихий илдизларга эга муштарак нуқталарни уйғунлаштириш, айниқса, мумтоз

Р.Куреновнинг, айниқса, Туркманistonнинг энг нуфузли нашрларидан бири — “Мерос” илмий-оммабоп журналида эълон қилинган ўзбек мумтоз адабиёти, хусусан, Навоий ва Бобур асарлари тадқиқиқа доир қатор мақолаларини илмий-адабий жамоатчилик яхши билади.

Бобуршунослик илмига қўшган ҳиссаси унинг “Бобур девони”ни туркман тилига қилган таржимаси билан ўлчанади. 2005 йилда Туркманistonнинг “Мерос” миллий маданият маркази ва Туркманiston миллий қўлёзмалар институти кўмағида

ганини, улар орасидан Байрамхон, Анисий, Абдурахим сингари шоирлар етишиб чиққанини инобатга олсак, туркман олими Р.Куреновнинг “Бобур девони” таржимасини икки халқ ўртасидаги азалий ҳамкорлигининг бугунги кундаги яна бир ҳосиласи сифатида баҳолаш мумкин. Таржимоннинг

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятта келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида сақланади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-764.
82285 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Оффсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева
Мусаҳҳих: Умар Қодиров
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза яқини — 00:20 Топширилди — 01:10

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонпар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz